8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 48
(6200)
2025-yil
5-dekabr
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

КОНСТИТУЦИЯ – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!

Конституциямиз мамлакатимизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ислоҳотларимизнинг ортга қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли кафолат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши бўйича туманимиз мактаблари, маҳаллаларида маънавий-маърифий кечалар, очиқ мулоқотлар, маданият ва спорт тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Зангиота тумани ташкил топганига 92 йил тўлди

ТУМАН ТАРИХИДАН СЎЗ ОЧИЛГАН КУН...



Зангиота туманининг тарихи 1933 йилнинг 1 декабрига бориб тақалади. Шу йил ташкил топган туман Калинин номи билан аталган. Ўтган йиллар давомида туман номи бир неча марта ўзгариб, 1992 йилда Зангиота номини олди.

8

Маҳалла ҳаёти

“ЕТТИЛИК” ИШЛАМОҚДА

Ижтимоий тармоқлар саҳифаларида туманимиздаги М.М.Хоразмий номли маҳаллада амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақидаги хабарларга тез-тез кўзингиз тушиши бежиз эмас. Чунки кўплаб масала ва муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал этилиб, одамларнинг розилиги олинаяпти. Демак, “еттилик” ишламоқда...



4-5



ҲОКИМ МУРОЖААТИ

Зангиота тумани ҳокимлиги фаоллар залида муҳим учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Илҳом Арзиқулов, туман ҳокими Эркин Рустамов ҳамда туман корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла етти-лиги иштирок этди.

Учрашув давомида туман ҳокимининг “Камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар” ҳақидаги Мурожаатномаси эшитилди.

Мурожаатномада камбағалликни камайтириш, аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий кўмакни кучайтириш ҳамда келгуси йилда бажарилиши лозим бўлган устувор йўналишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Айтиш мумкинки ушбу учрашув туманимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, маҳаллаларни ривожлантириш ва аҳолининг фаровонлигини яхшилашга хизмат қилувчи муҳим жараён бўлди.

Туман раҳбари томонидан тақдим этилган Мурожаатнома эса келгуси йил учун аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб, Зангиотада камбағалликни қисқартириш бўйича ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилган.

Туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати

КОНСТИТУЦИЯ – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Тадбирларда “Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!” ҳаётий шиорнинг моҳияти ва аҳамиятини янги таҳрирдаги Конституция асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида мутлақо янги босқичга ўтилганлиги очиб берилмоқда, янги таҳрирдаги Конституциянинг тадбиркорлик ва хусусий мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича янгидан-янги ютуқлар ва натижаларга эришиш учун мустаҳкам замин яратиб бергани кенг жамоатчиликка тушунтирилмоқда.

Шунингдек, нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оила, оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти кенг тарғиб қилинмоқда. Мактабларда ўтилаётган конституция дарсларида ўқувчиларнинг бу борадаги билимлари янада мустаҳкамланаяпти.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик.

Ана шундай мустаҳкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда. Дунё миқёсида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.



Маълумки, 2023 йил 30 апрелда юртимизда муҳим тарихий ва сиёсий жараён бўлиб ўтди. Бу санада бош қомусимиз янгиланди. Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди.

Конституциянинг 1-моддасидаги “Ўзбекистон – суверен демократик республика” жумласи қуйидагича ўзгартирилди ”Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”.

Бошқарувнинг республика шакли – давлат ҳокимиятининг олий органлари халқ томонидан муайян муддатга сайланишини англатади. Суверен давлат – ўз ҳудудида тўлатўкис мустақил ҳукмронлик ва мутлақ юрисдикцияга эга бўлиш демакдир.

Демократия эса халқ ҳокимиятини ифода этиб, давлат бошқарувида сайланиш ва ўз вакилларини сайлаш орқали барчанинг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланишини кўзда тутади.

Ҳуқуқий давлатда барча жараёнлар қонуний асослар устига қурилади, давлат хизматчиларидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади. Қолаверса, ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунади ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон ўзини ижтимоий давлат деб эълон қилиши билан, ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини олди. Бу – мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймаслик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаши, имконияти чекланган ва қўлловга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги ва жозибадор пенсия тизими кабиларни англатади.

Бир сўз билан айтганда, Конституциянинг биринчи моддасиданоқ қомусимизнинг кўлами қанчалик кенгайганини, унда инсон ва унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқлари ҳимояси жуда юксак поғонага кўтарилганига гувоҳ бўламиз.

Д. ТИЛАВОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Зангиота тумани
суди раиси.

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗҒИН



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги фармонига асосан, Ўзбекистонда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар ўтказилади. Рўйхатга олиш тадбирига “маҳалла еттилиги” тизими ходимлари 2025 йил 15 декабрдан 2026 йил 1 мартгача бўлган даврда жалб этилади.

► *Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш*

Маълумки, бундай тадбир мамлакатимизда сўнгги марта 1989 йилда амалга оширилган бўлиб, ўшандан буён демографик ва иқтисодий кўрсаткичларда катта ўзгаришлар юз берган. Бу эса 2026 йил 15 январидан 28 февралигача аҳоли ва қишлоқ хўжалигини уйғун тарзда рўйхатга олишни уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказишни тақозо этади. Шу боис, барча жойда бўлгани каби туманимизда ҳам бу муҳим тадбирга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Туманимизга Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижро этувчи директори Муродбек Атажанов бириктирилган бўлиб, у тумандаги барча маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб бормоқда, маҳалла “еттилиги”га рўйхатга олиш ишларини уюшқоқлик билан амалга ошириш борасида маслаҳатлар бермоқда, тайёргарлик ишларини кўздан кечирмоқда ва амалий ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, “Асил” маҳалласида компьютер ва принтерга эҳтиёж мавжудлигини аниқлаб, буни ҳал қилиш чораларини кўрди.

Рўйхатга олиш бўйича туманда 20дан ортиқ семинарлар ташкил этилди. Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг моҳияти ва аҳамияти юзасидан ўтказилган ўқув семинарларида тадбирга жалб этилажак барча масъуллар иштирок этишди. Тадбирда аҳолини рўйхатга олишнинг мазмун-моҳияти, қишлоқ хўжалигини қамраб олишдаги янгиликлар, рўйхатга олиш жараёнларининг босқичлари ҳамда тўпланадиган маълумотларнинг аҳамияти ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Бундан ташқари “маҳалла еттилиги” учун уч мартадан ортиқ семинарлар ташкил этилди. 25 ноябрдан эса тумандаги “Обод тўқимачи” ва “Янги Бўзсув” маҳаллаларида синов тариқасида рўйхатга олиш ишлари бошланди.

Сарвар МАҲАМАТОВ,
туман Статистика бўлими бошлиғи.

ISTIQBOL
2025-yil 5-dekabr / Juma / № 48 (6200)

МЕҲР УЛАШИБ

Жамиятимиз бугунги кунда имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай шароит яратиш ва ижтимоий фаоллигини ошириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизга 181 нафар 1- ва 2-гуруҳ кўзи ожизлар аъзо бўлган. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ушбу маблағлар ҳисобидан уларга ун, ёғ, гўшт, гигиена воситалари каби зарур озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж маҳсулотлари мунтазам етказиб бериб келинмоқда.

Ҳомийлар кўмагида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Наврўз байрами арафасида жамият аъзоларига 115 миллион сўмлик моддий ёрдам тарқатилди. Шунингдек, саломатликларини тиклашлари учун Янгийўл туманидаги юрак ва асаб касалликлари шифохонасига бир ҳафталик бепул йўлланмалар берилди, Самарқанд шаҳрига саёҳатлар ташкил этилди.

Маънавий-маърифий тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Навоийхонлик ва Бобурхонлик кечалари ўтказилди, Наврўз, Хотира ва қадрлаш, Болаларни ҳимоя қилиш кунлари каби саналар кенг нишонланади. Болалар куни муносабати билан кўзи ожиз инсонларнинг фарзандлари турли ўйингоҳлар ва дам олиш масканларига юборилди.

Спорт соҳасида ҳам жамият аъзолари жуда фаол. Улар ўртасида шаҳмат, шашка ва дюздо бўйича мусобақалар мунтазам ўтказилиб келинади. Шашка йўналишида Шариф Комилов, Зулфия Турсуновалар ғолибликни қўлга киритиб келишмоқда. Шаҳмат бўйича эса Муҳаммад Юнусов фаол иштирок этади. Дюздо спорти бўйича Чарос Чориева Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси саналади. Шунингдек, Самандар Нурсаидев дюздо йўналишида юқори натижаларни кўрсатиб келмоқда.

Жамиятнинг энг фаол аъзоларидан бири шоира Дилдора Охбўтаева кўплаб кўрик-танловларда муносиб иштирок этиб, биринчи ўринларни қўлга киритган. У бугунги кунда Кўзи ожизлар мактаб-интернатида она тили ва адабиёт фанидан дарс бериб, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.



Бир сўз билан айтганда, фуқароларимиз турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз” шиори остида ўз иқтидор ва салоҳиятларини намоён этиб келмоқда.

Жамиятимиз – бу меҳр, эътибор ва инсонпарварлик намунасидир. Бу ерда ҳар бир инсон эъзозланади, қўллаб-қувватланади ва жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида қадрланади.

Йўлдош ПАЙЗИЕВ,
туман Кўзи ожизлар жамияти раиси.

► *Ижтимоий кўмак*

ҲАМИША ЁРДАМГА ШАЙМИЗ

БМТ ташкилоти томонидан 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни, деб эълон қилинган. Ушбу сана бутун дунё бўйлаб кенг нишонланади ва бундан асосий мақсад ақлан ва жисмонан нуқсони бор замондошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Юртимизда ҳам ногиронлиги бор фуқаролар ҳамиша давлатимиз ва кенг жамоатчиликнинг эътиборида. Уларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериш инсоний фазилатларимиздан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”, 45-моддасида «Меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, дейилган.

Дарҳақиқат шундай. Туманимиздаги барча ёлғиз қариялар, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотганлар доимо туман ҳокимлигининг эътиборида. Улар нафақат байрамларда, балки йил давомида туман ҳокимлигининг, ҳомий ташкилотлар ва саховатпеша инсонларнинг беғараз ёрдамларидан баҳраманд бўладилар. Чунончи, тумандаги тўрт мингдан зиёд ногиронлиги бўлган инсонларнинг 515 нафарига туман “Инсон” ижтимоий маркази томонидан протез-ортопедик маҳсулотлар олиб берилди, 477 нафар инсонга соғлиқларини тиклашлари учун турли сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди, 310 нафар ногиронлиги бўлган инсонларнинг бандлиги таъминланди. 30 нафар ёлғиз қарияларга эса “Инсон” ижтимоий маркази томонидан ассистент ходимлар бириктирилган бўлиб, улар махсус график асосида ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб, уларга керакли ёрдамларини бериб, хизмат кўрсатадилар.

Жорий йилда туманимизда 2 та кичик ҳажмдаги болалар боғчаси очилди ва бу боғчаларда ўндан зиёд алоҳида парваришга мухтож болалар тарбияланмоқда. Куни кеча “Нурафшон” маҳалласида очилган кичик ҳажмдаги болалар уйи эса камбағаллик реестрида рўйхатда турган оилалар учун яхши туҳфа бўлди. Сабаби ишлашга имкон топа олмаётган оналар энди фарзандларини мана шу болалар уйида қолдириб, ўзлари ишга боришлари мумкин бўлади. Фарзандлари эса кун давомида мутахассислар томонидан парваришда бўлади.

Шунингдек, тумандаги 13 та умумтаълим мактабида инклюзив таълим йўлга қўйилган бўлиб, ногиронлиги бўлган 17 нафар ўғил-қиз бугунги кунда инклюзив таълим олиб келмоқда.

Жамолиддин МУРОДОВ,
туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази раҳбари.

ҲАР БИР ФУҚАРО ЭЪТИБОРИМИЗДА

Ўтган йилнинг ноябрида ишга киришган бўлсам, иш фаолиятимни ҳудудда истиқомат қилувчи 3089 нафар фуқарони ўрганишдан бошладим. Уларнинг 129 нафари ногиронлиги бўлган шахслар экан. Эътиборни шуларга қаратдим. Ҳар доим ногиронлиги бўлган фуқороларга имкон қадар енгилликлар қилишга, янгича имкониятлар яратиш учун ҳаракат қиламан.

Яқинда маҳалламизда ногиронлиги бўлган фуқароларимиз учун кутубхона ташкил этилди, кўзи ожизлар учун брайл алифбосида китоблар келтирилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятда ўз ўрни қадр-қимматини билишлари учун бор кучим ва имкониятларимдан фойдаланган ҳолда иш жараёнимни самарали ташкил этишга ҳаракат қиламан. Уларнинг руҳиятини кўтариш мақсадида турли хилдаги психологик ўйинлар, психологик тренинглар ва психологик суҳбатлар ўтказишга, уларнинг вақтини мазмунли ташкил этишга ҳаракат қиламан. Ногиронлиги бўлган фуқаролар учун ташкил этилаётган турли кўнгилочар тадбирлар уларда катта қизиқиш уйғотаётганини кўриб ўз ишимдан қониқиш сезаман.

Яна бир эътиборли жиҳати, ногиронлиги бўлган ёшлар билан индивидуал суҳбатлар ўтказганим ўз натижасини бериб, 2 нафар ёш олий ўқув юртларига имтиёзли кирганлиги ютуқларимдан бири бўлди.

Бир сўз билан айтганда, ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳамиша эътиборимизда ва уларни қўллаб-қувватлашда давом этаверамиз.

Гулбону РАҲМОНОВА,
“Сортепа” маҳалла фуқаролар йиғини комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходими.

► *Маҳалламиз фидойилари*

МЕҲНАТ ИЛА ОБОД УМР

“Олмазор” маҳалласида истиқомат қилувчи Каримберди ота Хайитов бир қўлсиз дунёга келган бўлишига қарамай, доимо “инсонни кучли ёки заиф қиладиган ҳолат – унинг танида эмас, қалбида” деган ҳаётий тамойилга амал қилиб яшаган. Айни шу ирода, жасорат ва меҳнатсеварлик туфайли у киши ҳаётдаги барча қийинчиликларни енгиб, катта натижаларга эришган.

Каримберди ота тўрт нафар фарзандни оёққа қўйган, уларни меҳнатсеварлик, ҳаётга масъулият билан ёндашиш, ҳалоллик ва бағрикенглик руҳида тарбиялаган. Ҳар бир фарзанд меҳнатнинг ширин мазаси, ҳалол ризқнинг баракаси, уйдаги ҳар бир ишнинг қийматини кўриб улғайган. Набиралар ҳам бу тарбиядан четда қолмаган. Отахон уларга ҳам ерга меҳр қўйиш, қорамол ва паррандалар парвариши, иссиқхонадаги ишлар, тирикчиликка масъулият билан ёндашишни ўргатиб келмоқда. Хонадондаги қоида эса оддий: “Меҳнат қилган инсон қадр топади.”

Каримберди Хайитов фақат деҳқончилик билан чекланиб қолмаган, у Ўзбекистон Фанлар академиясининг тажриба участкасида 31 йил давомида самарали меҳнат қилган. Бу муддат мобайнида у пахтанинг янги ва юқори ҳосилдор навларини яратиш ва синовдан ўтказиш, мавжуд навларни такомиллаштириш борасида изланишлар олиб бориш, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигини оширишга қаратилган тажрибалар ўтказиш, илмий ходимлар билан ҳамкорликда лойиҳаларда иштирок этиш, ёш мутахассислар ва шогирдлар тайёрлаш каби муҳим вазифаларни адо этган.

Нафақага чиққанидан кейин ҳам Каримберди ота бекор ўтиришни истамади. Бугунги кунда у ўз хонадони ҳовлисида барпо этилган иссиқхонада помидор етиштирмоқда. Бу иш унинг учун нафақат даромад манбаи, балки руҳий қувват, яшашга иштиёқ бағишлайдиган кундалик машғулотдир.



Шунингдек, хонадонида қорамол, 70 га яқин парранда парвариш қилиб келинади.

Каримберди Хайитовнинг меҳнат ва жасорат йўлидаги хизматлари давлат даражасида ҳам эътироф этилган. У “Жасорат” медали билан тақдирланган. Бу мукофот унинг матонати, ҳалол меҳнати ва Ватан равнақига қўшган ҳиссасининг ёрқин тасдиғидир.

Бугунги кунда Каримберди ота ўз ҳаёти, жасорати, меҳнатсеварлиги, оддийлиги ва инсонпарварлиги билан барчага ўрнак. Унинг ҳаёт йўли ҳар бир инсонга шундай ҳақиқатни эслатиб туради:: “Ирода ва меҳнат бор жойда ҳар қандай қийинчилик ожиз қолади.”

Каримберди отанинг меҳнат билан қоришган умри, оиласига, Ватанига ва халқига хизмат қилишга бағишланган ҳаёти ҳар биримиз учун ибрат мактабидир.

Умида АБДУХАКИМОВА.

ISTIQBOL
2025-yil 5-dekabr / Juma / № 48 (6200)

“ЕТТИЛИК”

ОДАМЛАР ДАРДИГА ҚУЛОҚ ТУТИБ

Маҳалладаги ишлар қачон олдинга силжийди, қачонки “еттилик” ҳамжиҳатликда фаолият юритса. М.М.Хоразмий номли маҳаллада айнан шу нарса мавжуд. Аввало, одамларнинг дарду ташвишларига қулоқ солинади. Маҳалла раиси Азиза Ғиёсова бошчилигида “еттилик” томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини эшитиш, уларни ҳал этиш чоралари кўриб борилади. Бу йил аҳолидан 16 та мурожаат келиб тушди. Шундан 9 таси жойида ҳал қилинди, 4 таси тегишлилиги бўйича Ободонлаштириш ва “Мусаффо оби ҳаёт” корхоналари орқали ҳал этилди, 3 таси Фуқаролик судига йўналтирилди. Туман прокурори А.Жўраев иштирокида жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга ва жиноят муҳокамасига қаратилган уч марта сайёр қабул ўтказилди.



Учрашувларда кўтарилган масалалар моҳиятидан келиб чиқиб, “маҳалла еттилиги” ваколатлари доирасида муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Маҳаллада кўча боши ва 5 та йўналишдаги комиссиялар билан биргаликда барча муаммолар ҳал этилмоқда. Хусусан, “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш“ комиссияси, “Тафтиш комиссияси” таркибига аҳоли орасидан иқтисодчи мутахассислар ҳамда комиссияга юкланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунадиган, обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, жамиятда ўзининг намунали хулқи билан обрў-эътибор қозонган фаол фуқаролар киритилди. Тафтиш комиссиясида маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун ишлатилиши лозим бўлган ер ва мол-мулк солиғи тушумларидан тушган 10 фоизли маблағларни мақсадли ва манзилли сарфланишини муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Маҳалла кенгашида “маҳалла еттилиги” томонидан аниқланган ва биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммолар муҳокама қилиб борилади. Жумладан, аҳолидан тушган таклифлар асосида “Мардлик” ва “Хоразмий” кўчаларининг жами 1600 метр масофасини асфальт қилиш ишлари “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига киритилди. Аҳолининг ҳамжиҳатликда овоз берганлиги натижасида ғолиблик қўлга киритилиб, ушбу кўчалар тўлиқ асфальтлаштирилди. Бундан ташқари 600 метр масофага пиёдалар йўлакчаси қурилди. “Омад” кўчасидаги бир километр масофага бетон ариқчалар, шунча масофадаги йўлга йўл қурилиши ташкилоти томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан асфальт қопламаси ётқизилди.

Маҳалла фаоллари ташаббуси билан “Хоразмий” кўчасига янги 250 қувватли ТП, 6 та бетон таянч ўрнатилди. 200 метр масофага бетон ариқлар ётқизилди. “Назарбек” 1-берк кўчасининг 200 метри, “Эъзоз” 3-тор кўчасининг 200 метри аҳолининг ҳомийлигида асфальт қилинди.

Маҳаллада ишсизлар бўлмаслиги керак. Шу боисдан ҳам “еттилик” ҳар бир оила билан алоҳида шуғулланади. Ўрганишлар давомида аниқланган 32 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Маҳаллада ҳар ойда бир маротаба катта ҳашарлар ташкил этилади. Бу эса кўчалар ободлигига хизмат қилмоқда Жумладан, ҳашар давомида 3 та хонадоннинг фасад қисми оҳланди, ошхона, молхона ва бошқа хоналар тартибга келтирилди, хонадонлар олдидаги маиший чиқиндилар бартараф этилди. “Эъзоз” кўчасига 5 та, “Эъзоз” 1-6 -тор кўчаларига 21 та, “Хоразмий” кўчасига 5 та чироқ ўрнатилди. Буларнинг ҳаммаси маҳалла аҳлининг бирдамлиги, аҳиллиги асносидаги ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ НИМА ИШ БИЛАН БАНД?

Ҳоким ёрдамчиси Беҳрузбек Ғайбуллаев томонидан 41 нафар меҳнатга лаёқатли ишлаш истагида бўлган ишсиз аҳоли рўйхатга олинган эди. Олиб борилган ишлар натижасида 15 нафар фуқаро доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 11 нафар фуқаро мавсумий ва вақтинчалик ишларга жалб қилинди. 15 нафар фуқаронинг ўзини ўзи банд қилиш ва норасмий ишни легаллаштириш орқали бандлиги таъминланди.



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан жойларда 13 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинди. Шунингдек, фаолиятини тўхтатган 4 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти қайта тикланди. Натижада 22 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида жами 5 та лойиҳага 45 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Умуман ҳоким ёрдамчиси томонидан умумий қиймати 420 миллион сўмлик 70 дан ортиқ микролойиҳалар ишга туширилди. Натижада жами лойиҳалар ҳисобига 110 та янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастури доирасида бир тадбиркорга ўз бизнесларини ривожлантириши учун жами юз миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ЁШЛАР ОРАСИДА

Ёшлар етакчиси Гулнора Муҳамедовани ҳамиша ёшлар орасида учратасиз. Ҳали ёшларнинг муаммоларини ўрганаётган, ҳали турли тадбирлар ва мусобақаларга тайёрланаётган бўлади.

Маҳаллада 14-30 ёшдагилар 584 нафарни ташкил этади. Туман прокурори А.Жўраев томонидан ёшлар билан доимий учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Натижада уларнинг муаммолари жойида ҳал этилмоқда.

Жорий йилда уч нафар ёш касб-хунарга ўқитилиб, ўқув курси харажатлари қоплаб берилди. “Ёшлар дафтари” платформасига киритилган ёшларнинг профессионал ва олий таълим даргоҳларидаги тўлов-шартномалари ҳамда моддий ёрдам ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, ҳарбий хизмат учун контракт тўловлари тўлаб берилди, моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Ёшлар билан индивидуал ишлаш тизимини жорий этиш мақсадида 14-30 ёшдаги 584 нафар ёш таҳлил қилиниб, учта тоифага ажратиб олинди ва улар билан алоҳида шуғулланиб, ҳаётдан ўз ўринларини топиб олишларига кўмаклашилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Хотин-қизлар фаоли Фотима Инагамованинг иш фаолиятига назар соладиган бўлсак, у аёлларнинг энг яқин маслаҳатгўйи ва кўмакчисига айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Йил бошида “Аёллар дафтари”нинг 6-босқичини шакллантириш бўйича маҳаллада 8 кишидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилди. 672 нафар хотин- қизнинг муаммолари ўрганилиб, хатловдан ўтказилиб, анкета сўровномалари тўлдирилди. Муаммолари аниқланган 65 нафар хотин-қизни 6 та йўналиш асосида “Аёллар дафтари”га киритиш бўйича ҳар бир фуқаро учун “Индивидуал дастур”шакллантирилди.

Йил давомида 33 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди, бир нафарига имтиёзли кредит ажратилди, 14 нафар боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд аёлга моддий ёрдам кўрсатилмоқда, “Ижтимоий ёрдамга мухтож 1 ва 2- гуруҳ ногиронлиги бўлган” тоифага киритилган 22 нафар хотин-қизга бир маротабалик моддий ёрдам пул кўринишида берилди. “Қарамоғида ногиронлиги бўлганлар” тоифасига киритилган 5 нафар хотин-қизга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Хотин-қизларни ишга жойлаштириш масалалари ҳам доимий эътиборда. 6 нафар ишсиз хотин-қиз ўқув марказларида касб-ҳунарга, бир нафари эса тадбиркорликка кўмаклашиш марказида тадбиркорликка ўқитилди.

Маҳаллада фаолият юритаётган профилактика инспектори, ДСИ, ижтимоий ходимнинг амалга ошираётган ишлари ҳақида ҳам ижобий фикрларни билдириш мумкин. Ҳудуддаги 8-мактабда, кўчаларда ота-оналар билан ўқувчиларнинг давомати ҳақида ўтказилаётган суҳбатлар, жиноятга мойиллиги бор ҳамда нотинч оилалар билан жойига чиқиб, уларнинг шароитини ўрганиш асносида олиб борилаётган ишлар жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари маҳаллада вақтинчалик рўйхат ва ижара шартномаси асосида истиқомат қилаётган 9 нафар фуқаронинг оиласи ўрганилди ва профилактика нозири назоратига олинди. Аҳоли ўртасида коммунал тўловлар, ер, мол-мулк солиқларини вақтида тўлаш бўйича ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш ишлари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ИШЛАМОҚДА

Маълумот ўрнида: маҳаллада 504 та хонадонда 882 та оила, 3066 нафар аҳоли истиқомат қилар эди. Жорий йилнинг сентябрь ойида “Алоқа” маҳалласи М.М.Хоразмий номли маҳаллага қўшилгач, кўчалар сони 27 тага, хонадонлар сони 954 тага, оилалар сони 1836 тага, аҳоли сони 6222 нафарга етди. Энди ишлар кўпайди, “маҳалла еттилиги” янада жипслашиб, доимгидек қўлни-қўлга берган ҳолда, бамаслаҳат, масъулият билан иш юритишда давом этмоқда. Олдиларига қўйган мақсадлари эса битта: одамлар розилигига эришиш.

ҲАЁТДАН ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН ЙИГИТ

Назрулло касб-ҳунар коллежида туризм соҳаси бўйича ўқиган. Лекин ҳаёт йўли туризм билан боғланмади. У амалий машғулотларини тикувчилик цехларида ўтади-ю, шу соҳага қизиқиб қолди. 2016 йилда



коллежни тугатган йигит ҳали ёш эмасми, ҳаётнинг пасту баландини билмагани учун, қайси ишнинг бошини тутишни билмай кундалик ишлар билан шуғулланиб юрди. Лекин бу ишдан қандай ҳам даромад бўларди, қанчалик ҳаракат қилиб ишламасин, кўнглидагидек маблағ тополмасди. Унинг бир маромдаги бу ҳаётини бир нарса буткул ўзгартириб юборди...

Мустақил юртимизда инсон омилига эътибор олий қадрият даражасига кўтарилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида “Ҳамма нарса – инсон манфаатлари учун” тамойили асосида амалга оширилаётган эзгу ишлар барча соҳага чуқур кириб борди. Аввал “Темир дафтар”, кейин ”Аёллар дафтари” деган ҳаракат ҳаётимиздан ўрин олган бўлса, унинг сафига “Ёшлар дафтари” келиб қўшилди. Хўш, бу “дафтар” нима учун керак бўлиб қолди? Шунинг учунки, “Ёшлар дафтари” — ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси ҳисобланади. Назрулло ҳам айнан шу дафтардан ўрин олди.

– Қачонгача майда-чуйда ишлар билан шуғулланиб юрасан, – деб қолди бир куни у билан дилдан суҳбат қуриб, қизиқишини ўрганган маҳалла ҳоким ёрдамчиси Асия Кудайбергенова. – Сенда қобилият бор, қизиқиш бор, ҳаракат бор, фақат катта иш бошлашга маблағ йўқ, тўғрими?

– Ҳа.

– Маблағ ҳам бўлади.

– Қанақасига, – ҳайрон бўлди йигит.

– Ёшларга имтиёзли кредит ажратилаяпти, “оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастури орқали кредит олиб иш бошлашинг мумкин-ку ахир.

– Қандай бўларкин, – Назрулло иккиланди. – Кредитни олгандан кейин вақтида тўлаш керак.

– Тўлайсан, бемалол тўлай оласан. Сенга иш юритишни ўргатамиз...

Шу суҳбат баҳона бўлдию Назрулло “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастури орқали 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ишни бошлаб юборди. Дастлабига уйида оила аъзолари билан бирга бичувчилик ва тикувчиликни йўлга қўйди. Улар бошқа тикувчилик корхоналари маҳсулотларидан фарқли ўлароқ, шифокорлар кийимларини тикишарди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор эди.

– Ўқиб юрган пайтларимизда амалиётга борганимизда шундай кийимлар тикиларди, – дейди Назрулло. – Оддийгина кийим-да, деб ўйлаб юрардим. Лекин бир куни шаҳардаги шифохонага бориб қолдим, деярли 80 фоиздан ортиқ шифокорларнинг устида биз амалиёт ўтаётган жойда тикилган кийимларни кўриб жуда фахрланиб кетдим. Кредит олиб иш бошлаш арафасида турганимда ўша пайтдаги фахрланганларим яна юрагимни тинч қўймади, тадбиркорликни айнан шифокорлар кийимларини тикишдан бошладим ва ҳозир давом эттирмоқдаман.

Ўтган йили иш бошлаган Назрулло бу ишга шунчалик киришиб кетдики, эндиликда тикувчиликни ривожлантиришга уйлари ҳам торлик қила бошлади. Шу сабабли ҳам у ижарага жой олиб, ишини кенгайтирди. Бугун унинг 20 дан ортиқ чеварлари бор. Корхонада ҳар куни 80-100 та кийим тикилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари сифатли бўлганлиги учун ҳам харидоргир. Мижозлари “Отчопар”, “Абу сахий” бозорларидан келиб кўтарасига олиб кетишади. Маҳсулотлари у ердан республикамизнинг вилоятлари, ҳаттоки Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга ҳам тарқатилмоқда.

“Фаробий” маҳалласида яшовчи Назрулло Забихуллаев бугун ҳаётдан мустаҳкам ўз ўрнини топиб, эл-юрт манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, тенгдошларига “ҳаракатда – барака” эканлигини амалда исботлаб бермоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ УНУТИЛМАС КУНЛАР

Маълумки, Президент қарори билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурида юқори натижага эришиб келаётган, ижобий тажрибага эга 50 нафар ҳоким ёрдамчисидан иборат “Лойиҳа менежерлари” гуруҳи ташкил этилган эди. Гуруҳ таркибидаги ҳар бир ҳоким ёрдамчиси самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган туман (шаҳар)ларга бириктирилиб, олти ойгача мазкур туман-шаҳарлардаги маҳаллаларга хизмат сафарига



юборилиши белгиланган эди. 3-16 ноябрь кунлари “лойиҳа менежерлари” Қорақалпоғистоннинг Бўзатов, Кегейли, Қонликўл туманлари маҳаллаларига бириктирилди. Мен Кегейли туманида бўлдим. Туманда 16 та маҳалла мавжуд бўлиб, туман асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган экан. Маҳаллалардаги мавжуд аҳволни ўрганиб, аҳоли билан суҳбат ўтказдик, қизиқишлари ва ҳудуд имкониятларини синчиклаб ўргандик. Шундан келиб чиқиб “Халқобод” маҳалласида иккита қандолатчилик, битта ўқув маркази, битта тикувчилик йўлга қўйилди. “Гужумтерак” маҳалласида эса миллий либослар тайёрлаш марказини очдик. “Қумшумгул” маҳалласида эса уй тозалаш ҳамда автомобилларга хизмат кўрсатиш лойиҳаси ишга туширилди. “Маданият” маҳалласида ярим тайёр маҳсулотлар, “Жузимбағ” маҳалласида эса қандолатчилик корхонаси иш бошлади. Барча йўлга қўйилган лойиҳаларга ишчи сифатида камбағал оила аъзолари бириктирилди. Икки ҳафталик сафаримиз давомида умумий ҳисобда 10 та тадбиркорлик субъекти очилди, 12 нафар ишсиз касб-ҳунарга ўқитилди ва 20 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди.

“Жанабазар” маҳалласида паррандачилик бўйича 300 млн. сўм грант ютиб олган тадбиркорга 100 млн. сўм миқдорида кредит олишда ёрдам кераклиги аниқланди. Унга Фарғона вилояти “Машъал” маҳалласи тажрибасини қўллашида тегишли ёрдам кўрсатиш келишиб олинди. Эътиборли жиҳати, бунда 10 нафар камбағал оила аъзолари иш билан таъминланади.

Шундай қилиб Кегейли туманига бириктирилган лойиҳа менежерлари – мен ва А. Махсудова иккимиз сафаримиз давомида маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, аҳоли бандлигини таъминлаш, касбга йўналтириш, шунингдек, фуқароларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли ўрганишлар олиб бордик. Жойлардаги ҳоким ёрдамчилари ва ижтимоий ходимлар билан ҳамкорликда фуқароларнинг даромад манбаини оширишга хизмат қилувчи истиқболли ташаббусларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш чораларини белгиладик.

Қорақалпоғистонга қилган сафаримиз фойдадан ҳоли бўлмади. Ортга қайтарканман, олдимга ўз маҳалламдаги ишимизни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олдим. Ниятим – Термиздаги томорқа марказига ўхшаган майизчиликка ўхшаган драйвер лойиҳаларни маҳалламда ҳам йўлга қўйиш. Бу каби лойиҳаларни амалга ошириш учун эса бизда имкониятлар етарли.

Асия КУДАЙБЕРГЕНОВА,
“Фаробий” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси, Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши депутати.

Саҳифа материалларини Жамила АРСЛОНОВА ва Дилбар ШАРИПОВА, Раҳимберди СУЛТОНОВ (суратлар)лар тайёрлашди.

СОҒЛОМ овқатланиш – ҳаёт дегани

Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш доирасида Япония давлатининг "Жайка" лойиҳаси асосида 20-оилавий поликлиникага аҳоли ва тиббий ходимлар ўртасида ЭЙЁ дастури қай даражада татбиқ этилаётганини ўрганиш мақсадида лойиҳа раҳбари Chiharu Abe хоним ташриф буюрди.



У ЭЙЁ дастури асосида барча тиббий ходимлар, аҳоли орасида, мактаб ва боғчаларда қандай ишлар амалга оширилиши зарурлигини айтиб ўтди. 1-мактаб ўқувчилари ўртасида ЭЙЁ дастури бўйича соғлом овқатланиш мавзусида очиқ дарс ташкил қилинди. Тадбир иштирокчилари ўқитувчи Хуршида Сулаймонова ва мактаб ҳамшираси Шаҳноза Бегалиеваларнинг маҳорати, билими, ўқувчилар орасида лойиҳани амалда тадбиқ этишдаги саъй-ҳаракатларидан мамнун бўлишди.

Тиббий ходимлар ЭЙЁ дастури асосида аҳоли орасида юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилишни давом эттирган ҳолда, бу борадаги ишларида яқиндан кўмак бераётган "Жайка" ташкилотига ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Назокат ЯРМАТОВА,
19-ОП катта ҳамшираси.

БОЛАЛАР РЕАНИМАЦИЯСИДА ҲАЁТ УЧУН КУРАШ



Туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар реанимация бўлими 2019 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ерда 6 ўрин мавжуд. Йил бошидан буён 300 га яқин беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Бўлимимизга мурожаат қилган ҳар бир бемор учун сифатли парвариш, замонавий даволаш усуллари ва меҳрга асосланган хизмат кўрсатиш устувор вазифа ҳисобланади. Дори воситалари билан таъминлаш доимий назорат остида олиб борилади. Зарур бўлган барча дори-дармонлар, шошилинч ёрдам учун мўлжалланган препаратлар захирада етарли миқдорда сақланади. Дори таъминоти узлуксиз бўлиши беморларга кўрсатилаётган ёрдам самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Бўлимимиз бошқа бўлимлардан ўзининг интенсив ишлаш тартиби билан ажралиб туради. Бу ерда ҳаёт учун курашаётган оғир ҳолатдаги беморларга доимий кузатув,тезкор реакция ва кечаю кундуз узлуксиз парвариш талаб этилади. Бўлим замонавий ускуналар, сунъий нафас олдириш аппаратлари, мониторлар ва шошилинч тиббий ёрдам учун зарур барча техникалар билан таъминланган. Ҳар бир бемор индивидуал назорат остида бўлиб, дори воситалари, муолажалар ва парвариш аниқ, тезкор ва юқори масъулият билан амалга оширилади.

Ҳар бир боланинг тезда тузалиб, оиласи бағрига қайтишида бор билим, маҳорат ва тажрибаларимизни ишга солмоқдамиз.

Нилуфар ЗУХУРОВА,
Болалар жонлантириш бўлими катта ҳамшираси.

► *Кун мавзуси*

ҲАВОМИЗ ТОЗА БЎЛСИН

Вилоятимиз туман, шаҳарларида бўлгани каби туманимизда ҳам экологик вазиятни яхшилаш, ҳаво ифлосланиш даражасини камайтиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирларда ҳудуддаги экологик вазият, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар миқдорининг ортиш сабаблари ҳамда қувват ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари атрофлича муҳокама қилиниб, тунги рейдлар давомида айрим тадбиркорлик субъектларининг экологик нормаларга тўлиқ амал қилмаётгани, жумладан, иссиқхона хўжаликлари ҳамда саноат объектларида чиқиндиларнинг тартибсиз ёқилиши ҳавонинг ифлосланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётгани аниқланмоқда.

Туманда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ҳолатларни ўрганиш мақсадида Президент Администрацияси вакиллари, туман прокуратураси, туман Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими ҳамда ички ишлар ходимлари иштирокида мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Ўрганишлар давомида "Ҳаракат" маҳалласи ҳудудида жойлашган, фуқаро Ш. А.га тегишли бўлган 1,5 гектар майдондаги иссиқхонада фильтрлаш ускуналари ўрнатилмагани сабабли атмосферага зарарли ташланмалар чиқарилаётгани аниқланган.

Шунингдек, мазкур иссиқхона ҳозирда фуқаро Ҳ.М. томонидан фойдаланиб келинаётгани маълум бўлиб, қонунчилик талабларини бузганлик ҳолати юзасидан унга нисбатан белгиланган тартибда баённома расмийлаштирилди.

Тадбиркор ва фуқаролар ўртасида атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш борасида масъулиятли бўлиш зарурлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Бугунги кунда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, жорий қилинган "Аёллар дафтари" механизми мамлакатимизда аёллар билан манзилли ишлашнинг самарали амалиёти сифатида ўзини тўлиқ оқламоқда.

"АЁЛЛАР ДАФТАРИ"ДАН – ТАДБИРКОРЛИККА



Жумладан, туманимизда ҳам мазкур тизимнинг 6-босқичи доирасида амалга оширилган ишлар натижаси буни яққол тасдиқлайди. Туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Саодат .Усмонова "М.М.Хоразмий" маҳалласида истиқомат қилувчи "Аёллар дафтари"га киритилган фуқаро Д. Абдуазимованинг тадбиркорлик фаолияти билан яқиндан танишди.

Тадбиркор иссиқхонасида лимон етиштиради, миллий таомларни тайёрлаб халқ дастурхонига етказади, мураббо, салқин ичимликлар, тузламалар тайёрлаб, сотиш билан шуғулланади. Суҳбат давомида тадбиркор ҳовлисида катта ва шинам ошхона очишни режалаштираётганини маълум қилди.

Ж. АМИРОВА.

► *Жаҳолатга қарши маърифат*

ШУКРОНАЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ



1-мактабнинг юқори синф ўқувчи-қизлари иштирокида "Жаҳолатга қарши маърифат" лойиҳаси доирасида диний ақидапарастлик ва мутаассиблик ғоялари тарқалишининг олдини олиш, динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда терроризм ва экстремизм ғояларига қарши курашиш бўйича иммунитетни шакллантириш мақсадида "Шукроналик – олий неъмат" мавзусида маънавий-маърифий тарғибот тадбири ўтказилди.

Тадбирда республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари Ш.Умархўжаева ҳамда туман ҳокими маслаҳатчиси Н.Мавлонбековалар иштирок этишиб, мавзу доирасида суҳбат ўтказишди.

Учрашувда илм олиш, репродуктив саломатлик, тежамкорлик, оилавий қадриятлар, одоб-ахлоқ қоидалари, эрта турмушнинг салбий оқибатлари ҳақида сўз юритилди. Тадбир сўнгида кийиниш маданияти бўйича якка тартибда суҳбатлар олиб борилилди.

Бу каби тадбирлар 4-, 5-мактабларда ҳам ўтказилди.

Д. ШАРИПОВА.

КУЗГИ ЕР ҚАЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳар йили зарарли организмлар (зараркунанда касаллик ва бегона ўт) туфайли ҳосилнинг 30-40 фоизи йўқотилиши мутахассислар томонидан исботланган. Қишлоқ хўжалигида ўз вақтида кимёвий воситаларсиз зараркунандаларга қарши кураш ишлари олиб борилса, сифатли маҳсулот етиштиришга эришилади.

► *Мутахассис маслаҳати*

Кузги ер кавлаш ишларини олиб боришдан мақсад қишлов (қиш уйқуси)га кетган зараркунандаларнинг қишловдан чиқиш хавф даражасини баҳолаш, зараркуранда қишлаш учун қандай чуқурликда ва қандай ҳолатда жойлашишини, бу эса уларни омон қолиши имкониятини баҳолашга, келгуси мавсум учун зараркурандалар сонини прагноз қилиш, зараркунандалар сонини аниқлаш орқали келгуси вегитация даврида улар қанчалик хавф туғдириши мумкинлиги аниқлашдир.

Тупроқ сиртида ва ўсимлик қолдиқларида учровчи зараркунанда ва касаллик қўзғатувчиларини ҳисобга олиш учун ҳар бир майдондан намуналар олинади. .Аҳоли яқин бўлган жойларда кавлаш ишлари олиб борилмайди. Хонадонларда парранда-лар бўлганлиги сабабли натижалар ишончли чиқмайди.

Туман ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги прогноз етакчи мутахассиси ҳамда инспекторлари томонидан тумандаги фермер ва деҳқон хўжаликлари ерларининг 50 фоизида қазиш ишлари ўтказилиб, томорқа ер эгаларига тавсиялар берилди.

З.МАЖИДОВА,
туман Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги прогноз етакчи мутахассиси.
А.АЛИМАТОВ,
инспектор.


Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш имкониятлари кенгайтирилади

Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарининг судьялар ҳамжамияти органларининг ролини тубдан ошириш, очиқ ва шаффоф тартиб-таомиллар асосида суд органларини малакали кадрлар билан тўлдириш, аҳолининг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини самарали таъминлаш, судьяларнинг ўзини-ўзи бошқариш тамойили ва суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш мақсадида шу йилнинг 24 ноябрь куни қабул қилган “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сонли Фармони ислоҳотларнинг узвий давоми бўлди.

Унда суд мустақиллигига оид илғор стандартларни жорий этиш ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек қонунчиликка судьянинг алмаштирилмаслигига оид тамойилни киритиш мақсадида судьяларни навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартибини бекор қилиб, судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартибини белгилаш, туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни аниқ мезонларга кўра судьялар орасида очиқ танлов асосида танлаш тартибини ўрнатиш назарда тутилди.

Шунингдек, Фармонда Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантиришда судьялар ҳамжамияти органларининг иштирокини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига номзодлар тегишли суд судьялари малака ҳайъатлари томонидан тавсия этилиши, бунда Судьялар олий кенгашининг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига, қоида тариқасида, судья сифатида камида 7 йил ишлаган судьялар номзоди кўрсатилиши мумкинлиги, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзолари таркибига номзодлар эса ҳуқуқ соҳасидаги илмий ва олий таълим ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан тавсия этилиши белгиланди.



Булардан ташқари, Фармонда 2025 йил 15 декабрга қадар Судьялар олий кенгашининг расмий веб-сайтида суд тизимида мавжуд бўш раҳбарлик ва юқори турувчи судьялик лавозимларига оид маълумотлар ҳамда уларни эгаллаш учун танловда иштирок этиш тартиби, суд тизимида судьялик лавозимлари, шу жумладан, раҳбарлик ва юқори турувчи судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ҳамда тайинлаш бўйича барча босқичларга оид маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш белгиландики, булар ўз навбатида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида очиқлик даражасини ошириш ва суд бошқарувини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда гендер тенгликни таъминлашда бутун дунёда кузатилаётган тенденциялар халқаро судлар тизимида ҳам ўз аксини топган, хорижий давлатлар амалиётида аёл судьяларнинг кўпайиши аҳолининг суд ҳокимиятига бўлган ишончининг ошишига олиб келиши кузатилган.

Замон талабига ҳамоҳанг равишда малакатимизда ҳам жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасида бир қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 25 майдаги СҚ-297-IV-сонли Қарори билан тасдиқланган “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси”да 2030 йилга қадар судьялар орасида хотин-қизлар улушини 30 фоизгача кўтариш белгиланган эди.

Фармонда ҳам одил судловни амалга оширишда суд тизимида гендер балансга эришиш имкониятларини кенгайтириш орқали аёл судьялар улушини камида 30 фоизга етказиш, бунда Одил судлов академиясининг касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилишда ҳар йили заруратга қараб Судьялар олий кенгаши томонидан хотин-қизлар учун квота белгилаш ҳуқуқи, шунингдек ташаббускор судьялар гуруҳи томонидан Ўзбекистон аёл судьялар ассоциациясини ташкил этиш кабилар белгиланди.

Фармондан келиб чиқиб тегишли қонунчилик ҳужжатларига унда қайд этиб ўтилган масалаларни қўллаш билан билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши одил судлов фаолиятининг сифат ҳамда самарадорлигини оширишда ўта муҳим ўрин тутади.

Сарвар СОЛИЕВ
Зангиота туманлараро иқтисодий судининг раиси.
Паризод ЗАКИРОВА,
Зангиота туманлараро иқтисодий судининг судьяси.

► *Истеъмолчи*

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ БУЮРТМА БЕРГАНДИ

Онлайн харид бу интернет орқали маҳсулот ёки хизматга буюртма қилиш жараёнидир. Унинг қулайликлари танлов кенглиги, нархларни солиштириш имкони ҳамда вақтнинг тежалишидир. Фақат ишончли сайтлар ва платформалардан онлайн харид қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятимизга тушган навбатдаги мурожаат шундай харид бўйича бўлди. Олмалиқ шаҳрида яшовчи истеъмолчи Т. А “Бек барака” савдо мажмуасидаги дўконларнинг биридан онлайн қиймати 239 000 сўмлик кийимга буюртма берган. Унга ўзи танлаган кийим эмас, бошқаси жўнатилган. Шунда истеъмолчи Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг 1091 ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, ўз мурожаатини қолдирган.

Ушбу мурожаат жамият мутахассислари томонидан жойига чиқиб ўрганилди ва натижада истеъмолчига кийим учун тўлов қилган 239 000 сўм пул маблағи қайтариб берилди.

Дилдора ЗИЯМУҲАММЕДОВА,
туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассиси.

► *Жиноятга жазо муқаррар*

ФИРИБГАРЛИК, ПОРАНИНГ ОХИРИ “ВОЙ”

Сергели туманида яшовчи 45 ёшли Р.А. муқаддам бир неча марта судланиб ҳам тавбасига таянмади. Охирги маротаба 2024 йил 16 апрелда жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ тумани суди томонидан судланиб, 3 йилу 5 ой, 27 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, пробация ҳисобида турган бўлишига қарамай, яна жиноятга қўл урди.



Р.А. ғайриқонуний равишда моддий манфаат орттириш мақсадида туманимиздаги Ўртаовул ҳудудига йўл олади. У ерда ўзига аввалдан таниш бўлган М.исмли аёлнинг акаси И.И.билан танишиб, унга ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги ИЖҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ходими сифатида таништириб, аввалдан тузган режасини амалга оширишга киришади. Яъни, Сергели тумани ҳокимлигида ишловчи танишлари орқали унинг синглиси М. номига туман ҳокимлиги балансида бўлган тураржойдаги хонадонлардан бирини олиб беришга ишонтириб, уй-жой учун олдиндан аванс сифатида 6.000 АҚШ долларига келишадилар. Шундан сўнг келишувдаги пул маблағи ҳисобидан 2.000 АҚШ доллари миқдордаги пулларни олади ва уни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, И.И.га шунча зарар етказади.

Бели оғримай топилган пул тугагач, Р.А. энди ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттиришга киришади. 2024 йил октябрь ойида Учтепа туманида жойлашган “101 шашлик” умумий овқатланиш ошхонаси олдида И.И.билан учрашади. Унга синглиси М. номига туман ҳокимлиги балансида бўлган тураржойдаги хонадонлардан бирини олиб бериш учун хужжат ишлари расмийлаштирилаётганлигини, тез кунда синглисининг номига хонадон ажратилишига ишонтириб, келишувдаги пул маблағи хисобидан яна 2.500 АҚШ доллари миқдордаги пулларни пора сифатида олиб, ишлатиб юбориб, И.И.га шунча зарар етказади.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2024 йил октябрь ойида М.га Сергели тумани ҳокимиятида ишловчи мансабдор танишлари орқали номига туман ҳокимияти балансида бўлган тураржойдаги хонадонлардан бирини олиб беришни ва олдиндан аванс сифатида 6.000 АҚШ долларига чиқартириб беришга ишонтириб, унинг фуқаролик паспортини ғайриқонуний равишда қўлга киритиб, келишувдаги пул маблағи ҳисобидан 2024 йил октябрь, ноябрь ойлари давомида 1.500 АҚШ доллари миқдордаги пулларни олиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юбориб, аёлга шунча зарар етказади.

Лекин Р.А.нинг бу хом режаси узоққа чўзилмади. Кўп ўтмай унинг кирдикорлари фош бўлиб, боши қайта эгилди. Энди у яна қонун олдида такрор жавоб беради. Бу сафарги жазо эса қаттиқ бўлиши аниқ.

Х.ЎРИНОВ,
Зангиота тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими суриштирувчиси.

ISTIQBOL
2025-yil 5-dekabr / Juma / № 48 (6200)

ТУМАН ТАРИХИДАН СЎЗ ОЧИЛГАН КУН...



Ўтган 92 йил давомида катта ўзгаришларга юз тутган туман гуллаб-яшнаб, вилоятда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Бугунги кунга келиб туманда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, тадбиркорлик ривожланиб, одамларнинг ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Туманимиз ташкил топган сана туманимизда кенг нишонланди. Тумандаги барча мактабларда “Зангиота тумани тарихи” мавзусида маънавий-маърифий дарслар ўтказилди, учрашувлар ташкил этилди.

Учрашувларда ўқувчиларга Зангиота туманининг ўтмиши, юртимиз тараққиётида тутган ўрни, машҳур аллома ва зиёратгоҳлари, шунингдек, туман ривожига ҳисса қўшган меҳнаткаш инсонлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Тадбирлар давомида ўқувчилар тарихий фотосуратлар, архив ҳужжатлари ва туман ҳаётидаги муҳим босқичларни акс эттирувчи тақдимотлар билан танишдилар. Ёшлар ўз юртининг тарихи, бугунги кундаги

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ютуқлари ва келажакдаги ривожланиш йўналишлари ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилдилар.

Мазкур дарслар ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, тарихга ҳурмат ва ҳудуднинг бугунги тараққиётига масъулиятли ёндашувни шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ана шундай чиройли тадбирлардан яна бири Ўзбекистон фахрийларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси туман бўлими томонидан ташкил этилди. Бўлим томонидан ёзилган дастурхон атрофидан туманда кўп йиллар ишлаб, унинг равнақига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар жой олишди. Бир пиёла чой устидаги гурунглар қизигандан-қизиди. Фахрийлар туманнинг ташкил этилиши, ундан кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, туманда раҳбар бўлиб ишлаган раҳбарларнинг фидокорона меҳнатлари, фазилатларини эслашди, туманда бугунги кунда амалга оширилаётган ишларни мамнуният билан эътироф этишди.

Туман ташкил топган кун баҳона эски қадрдонлар яна дийдорлашишди, туманни янада равнақ топтириш борасидаги фикрларини ўртага ташлашди.

Туман Ахборот кутубхона марказида фаол китобхонлар билан ўтказилган тадбир “Ғурурим, суюгим, буюк Зангиотам” деб номланди. Тадбирда иштирок этган туман Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Шодия Умархўжаева, туман “Истиқбол” газетаси бош муҳаррири Дилбар Шарипова, АКМ раҳбари Сурайё Аҳмедовалар ўқувчиларга Зангиота тумани ҳақида батафсил маълумотлар бердилар. Ўтказилган савол-жавоб викторинаси ҳам фойдали бўлиб, ўқувчилар туманнинг тарихи ва бугуни ҳақидаги саволларга жавоблар топишди. Фаол китобхонлар тақдирланди.

Шунингдек, мазкур кутубхона ходимлари томонидан аҳоли орасида ўтказилган флешмоб ҳам қизиқарли тус олди.

Ҳа, шу куни бутун туман аҳли ўз масканларини қай даражада яхши кўришларини намоён этдилар. Туман бўйлаб “Зангиота мадҳияси” янгради.

Д.ШАРИПОВА,
Ж.АРСЛОНОВА.

КЎНГИЛЛАРНИ КЎТАРИБ

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан туман Маданият саройида байрам тадбири ўтказилди.



Тадбирда туман ҳокими Эркин Рустамов иштирокчиларни табриклаб, бугунги кунда мамлакатимизда инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган, бу жараёнда барча фуқароларимиз каби ногиронлиги бўлган юртдошларимизга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилаётганини, бу борада туманимизда амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтди.



Туман Маданият бўлими санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастури барчага манзур бўлди.

Тадбир якунида иштирокчиларга туман ҳокимлигининг совғалари тарқатилди.

Умида АБДУҲАКИМОВА.

РАИС ТАШАББУСИ, ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИДА

“Шодлик” маҳалласида жойлашган 20-сонли поликлиника йўли аҳолига янада қулай шароит яратиш мақсадида янгиланмоқда. Маҳалла раиси ташаббуси ва ҳомийларнинг кўмаги асосида йўлни асфальтлаш ишлари бошлаб юборилди.

Равон йўл нафақат тиббиёт муассасасига қатновни енгиллаштиради, балки аҳолининг кундалик ҳаракатланишида ҳам қулайлик яратади. Янги асфальт қоплама йўл сифатини яхшилаб, пиёда ва транспорт воситалари учун хавфсизликни таъминлайди.

Н. МУХИТДИНОВ,
туман Кенгаши депутати.



ҲАВОМИЗ ТОЗА, ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН БЎЛАДИ

“Яшил макон”

“Яшил макон”нинг кузги кўчат экиш мавсумида барча маҳаллаларда иш қизғин бормоқда. “Илғор” маҳалласи ҳам бундан мустасно эмас. Аҳоли томорқаларини тартибга келтириш, ҳовлилари ва кўчаларини ободонлаштириш баробарида мевали дарахтлар экиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, "Яшил макон" лойиҳаси доирасида 300 туп мевали дарахт кўчатларининг аҳолига бепул тарқатилганлиги айни муддао бўлди. Кўчатлар олган фуқароларга уларни парваришлаш бўйича зарур тавсиялар ҳам берилди.

Шундай қилиб, маҳалла ҳудудига экилган кўчатлар сони яна 300 тага кўпайиб, келгусида табиатнинг софлигини таъминлашга, аҳоли дастурхонини мўл-кўл мевалар билан таъминлашга қўшилган ҳисса бўлди.

Ж.АМИРОВА.



ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Dilbar SHARIPOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Navbatchi: Jamila ARSLONOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-1214.

ISSN 2181-61820